O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 27 октябрь, № 210 (4109) • Жума

Бугун Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаймиз

ЎЗБЕКИСТОН ДУРДОНАСИ



— Мен ҳар йили ҳайит намозини Кўкгумбаз масжидида ўқийман. Бу гал масжидни кўриб, таниёлмадим. Бир йилда шунча иш қилинибди. Ақл бовар қилмайди. Албатта, бу ерга невараларимни олиб келиб кўрсатаман, аввал қандай эди-ю, энди қандай бўлганини айтиб бераман.

Касби туманидан келган нуроний отахоннинг бу гаплари Рамазон ҳайити куни Қарши шаҳридаги Кўкгумбаз масжидига келган ҳар бир кишининг кўнглидан кечган бўлса, ажаб эмас. Мен масжид ҳовлисида, ташқи хиёбонда айланиб юрган ёшу қарининг кўзида қувонч, қалбида ғурур жўш урганлигини кўрдим. Бунинг боиси фақат муборак Рамазон ҳайитининг юртимизда катта шодиёналик билан байрам қилинаётганлигида эмас, балки шу айём кунларида шаҳарнинг 2700 йиллигига тайёргарлик ишларининг ниҳоясига етиб, тарихий обидалар, кўча ва хиёбонлар, янги, гўзал қиёфа касб этганлигида ҳамдир.

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков раҳбарлигидаги мазкур ташкилот делегациясини қабул қилди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Учрашувда халқаро сайлов стандартларини ҳисобга олган ҳолда икки давлат сайлов қонунчилигини янада ривожлантириш ва демократлаштиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида ўтган амалий семинарда Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси А.Вешняков маъруза қилди. Семинар Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги тажрибасининг айрим жиҳатларига бағишланди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари, сенаторлар, Конституциявий ва Олий суд судьялари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг олим ва мутахассислари иштирок этди.

Семинар қизиқарли мунозара ва эркин фикр алмашув руҳида ўтди.

(ЎзА)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча қуйи палатада Ўзбекистон ХДП фракцияси ва Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида «Ўзбекистонда ҳомийлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида давра суҳбати бўлди.

Ҳомийликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари

Депутатлар, нодавлат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган ушбу йиғилишда Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда маъқулланган «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳомийлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, аҳоли, айниқса, кам таъминланганлар учун муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда тадбир иштирокчиларига бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ҳақида ва ҳомий ташкилотларнинг тузилиши, фаолият юритиши, давлат томонидан уларга бериладиган имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди.

Давра суҳбати қатнашчилари мазкур ҳуқуқий ҳужжатни такомиллаштириш жараёнида ҳомийлик ташкилотларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик фаолиятлари учун имтиёзлар берилиши бўйича таклифлар билдирдилар.

Салим ДОНИЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" павильонида "Ўзбектуризм" миллий компанияси ташаббуси билан ташкил этилган анъанавий халқаро сайёҳлик ярмаркаси иш бошлади. "Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳат" деб номланган бу анъанавий тадбирдан кўзланган мақсад сайёҳликни ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтириш, унинг иқтисодиёт равнақига қўшаётган ҳиссасини ошириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат.

Йигирмадан ортиқ мамлакатдан вакиллар қатнашаётган ярмарканинг очилишида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда сайёҳликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунда мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва ресторанлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этаётган ярмаркада мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, мафтункор табиатимиз ва тарихий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандчилиги буюмлари, фотоэкспозициялар намойиш этилмоқда. Ярмаркага ташриф буюрганлар фаол ва саргузаштларга бой хордиқ, экологик ва спорт туризми йўналишлари, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ҳамда агентлари фаолияти, кўплаб ахборот-маълумотнома ва адабиётлар билан танишиш имконига эга бўлади.

Сайёҳлик барқарор ривожланишнинг муҳим омили ҳисобланиб, аҳоли турмуш даражасини оширишга, қўшимча иш ўринлари ташкил қилишга, табиий ва маданий бойликларни сақлаш ва муҳофаза қилишга хизмат қилади. Бугунги кунда "Ўзбектуризм" миллий компанияси, миллий сайёҳлик фирмалари соҳани мунтазам ривожлантириш йўлидан бормоқда. Юртимизда ушбу соҳада банд бўлганлар сони, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари тобора кўпаймоқда. Хусусий бизнеснинг сайёҳлик хизматлари умумий ҳажмидаги улуши 90 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда тўрт мингдан ортиқ тарихий-меъморий обида ва ёдгорлик мавжуд. Лекин бу борадаги барча имкониятлар ҳам тўлиқ ишга солиняпти, деб бўлмайди. Соҳадаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш кўп жиҳатдан учта асосий омил — соҳа инфратузилмасини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва жаҳон бозорида Ўзбекистоннинг сайёҳлик нуфузини янада юксалтиришга боғлиқ. Уч кунлик ярмарка иштирокчилари муҳокамасига айнан шу масалалар қўйилган.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

О. ТУРОПОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тарих институтида Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Олимлар анжумани

Унда Германия, Франция, АҚШ, Исроил ва Қозоғистон давлатларидан келган таниқли олимлар иштирок этишди.

Таъкидландики, мамлакатимизнинг давлатчилик ва шаҳарсозлик анъаналари бир неча асрлик тарихга эга. Мустақиллик йилларида тарихчилар ҳамда археологларнинг янгиянги кашфиётлари туфайли Ўзбекистон дунё цивилизациясининг энг қадимги ва бой маданий марказларидан бири эканлиги исботланди. Хусусан, Самарқанд, Хива, Бухоро, Шаҳрисабз, Термиз, Қарши ва Марғилон каби тарихий шаҳарларимизнинг ёши уч минг йилга яқинлиги археолог олимлар томондан таъкидланди.

Баҳс ва мунозарага бой бўлган ушбу тадбирда Қарши шаҳрининг миллий меъморчилик ҳамда шаҳарсозлик анъаналарига оид янги изланишлар ҳақида сўз борди. Тарихдан маълумки, ҳозирги Қарши шаҳри ўтмишда Ерқўрғон, Нахшаб (Насаф) каби манзилгоҳлар ўрнида шаклланган. Милоддан аввалги VIII-VII асрларда, ҳимоя вазифасини бажарувчи девор билан ўралган йирик марказ юзага келган.

Археологларимизнинг Қашқадарё ҳудудида олиб борган тадқиқотлари натижасида мазкур ҳудудда палеолит даврига мансуб ибтидоий одамлар яшаш жойлари топилгани ҳам илк бора шу ерда тилга олинди.

Семинарда шунингдек, Марказий Осиёни тадқиқ этиш Франция институти олими Балчи Байрамбек жаноблари мамлакатимиз, айниқса, Қарши шаҳри ҳамда Темурийлар даврининг дунё цивилизациясида тутган ўрни ҳақида салмоқли фикрлар билдирди.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кураш байрами Доминикандан Грецияга кўчади

17-21 октябрь кунлари миллий қадриятимиз — кураш бўйича ёшлар ўртасидаги навбатдаги жаҳон чемпионатига Доминикан Республикасининг Санто Доминго шаҳри мезбонлик қилди.



КХА матбуот хизматидан олинган хабарда айтилишича, унда дунёнинг 40 та давлатидан келган 200 га яқин полвонлар иштирок этди. Ҳар бир вазн тоифасида беллашувлар кутилганидек, муросасиз кечди. Буни чемпионатда қатнашган мамлакат полвонлари биттадан ортиқ олтин медални қўлга кирита олмагани ҳам кўрсатиб турибди. Демак, кураш дунёда жаддалик билан оммалашиб бормоқда. Мусобақада ўзбекистонлик курашчилардан қизлар ўртасида Машҳура Мавлонова ўз вазн тоифасида олтин медални қўлга киритган бўлса, Суҳроб Худойбердиев ва Ботир Қобуловлар кумуш, Элбек Очилов ҳамда Фазлиддин Мейлиевлар бронза медали билан тақдирланишди.

Чемпионат доирасида Кураш халқаро ассоциациясининг навбатдаги ижроқўм йиғилиши ва конгресси бўлиб ўтди.

Шунингдек, КХА VII конгрессида ижроқўм аъзолари ассоциация президенти Комил Юсуповни тўрт йил муддатга қайта сайладилар. 2007 йилги мусобақалар тақвим режаси ҳам кўриб чиқилди. Келгуси йили катталар ўртасидаги VI жаҳон чемпионатини ўтказишга даъвогар давлатлар ўртасида сайлов бўлиб ўтди. Бу ҳуқуқни қўлга киритиш учун бешта давлат кураш олиб борди. Конгресс аъзолари Олимпия ўйинлари ватани — Греция давлати номзодини бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Дунё нигоҳи

Като КЮДЗЕ, японияли машҳур олим, археолог:

Биринчи бор Тошкентга 1963 йил келган эдим. Ўшанда халқингизнинг самимийлиги, меҳмондўстлиги ва хушмуомалалиги мени ўзига ром айлаганди. Кейинги сафарим мустақиллигингизнинг илк йилларига тўғри келди. Шундан бери Сурхондарёдаги Далварзинтепа ва Қоратепа каби тарихий жойларда археологик қазишмалар олиб бораяпмиз. Илмий изланишлар давомида ўзим учун жуда кўп янгиликларни кашф қилдим. Халқингизнинг азалдан маданиятли, ишбилармон ва бунёдкор бўлганига шубҳа йўқ. Бу фикримни, айниқса, қисқа давр ичида мамлакатингизда амалга оширилаётган асрларга тенг ўзгаришлар ҳам исботлаб турибди.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан фермерлар ва қишлоқ тадбиркорлари Тошкентга келмоқда. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган "Uzbekistan Agrominitech Expo — 2006" қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси давом этаётган Ўзэкспомарказ павильонлари гавжум. Дунёнинг 25 мамлакатидан келган етакчи ишлаб чиқарувчилар бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг жадал ривожланаётган тармоғи учун энг илғор техникани уларга таклиф қилмоқда.

ФЕРМЕРЛАР ОРЗУСИ УШАЛМОҚДА

Ҳар бир экспозиция олдида қизғин фикр алмашувлар давом этмоқда. Фермерлар хорижий компаниялар вакилларидан ускуналарнинг хусусиятлари, ишлаб чиқариш имкониятлари ва бошқа стендлардаги намуналарга нисбатан афзалликлари ҳақида сўрамоқда. Деҳқонлар бир технологияни танлашдан олдин намойиш этилаётган ҳамма экспонатларни синчиклаб кўздан кечирмоқда. Буни тушунса бўлади, чунки бундай юқори технологик ускунани сотиб олиш уларга йиғиб олинган ҳосилни тўлиқ ва сифатли қайта ишлаш имконини бериши лозим. Чунки илғор технологиялардан фойдаланиш чекка ва олис туманлардаги кичик фермер хўжаликларига ҳам жаҳон бозорида талаб катта бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини яратади.

— Кўргазмага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташриф буюриб, фермерлар билан суҳбатлашгани — давлатимиз раҳбарининг қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатаётган доимий ғамхўрлигининг яққол далилидир,— деди Самарқанд вилояти Самарқанд тумани фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Истамжон Норқулов. — Кўргазмага туманимиздан 45 нафар фермер келди. Сафардан олдин маслаҳатлашиб, бугун ҳар бир хўжалик учун биринчи навбатда нима кераклигини аниқлаб олдик. Германия ва Исроилда ишлаб чиқарилган 4 та қўчма сут соғиш агрегатини харид қилиш юзасидан шартномалар туздик. Яқин кунларда сутни қайта ишлаш, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш линияларини сотиб олишни мўлжаллаяпмиз. Россиядаги Красноярск заводи ишлаб чиқарадиган "Енисей" ғалла ўриш комбайнлари бизнинг энг қимматли харидимиз бўлади. Бироқ, таъкидлашни истардимки, бу харажатлар фермерларни қийнаб қўймайди. Чунки улар ҳамма шартномаларни шу ернинг ўзида лизинг компанияси орқали расмийлаштирмоқда. Муҳими, кўргазма-савдо доимий фаолият кўрсатади. Биз бундан кейин ҳам дунёдаги энг яхши техникаларни харид қила оламиз.

Шу кунларда Бухоро вилояти Вобкент туманилик Ойбек Жумаевнинг орзуси ушалди. Кўргазмага уни отаси, фермер Олим ака янги трактор сотиб олишни тайинлаб жўнатган эди. Хўжаликда 20 киши меҳнат қилади ва уларнинг даромадлари техниканинг аҳволига бевосита боғлиқ. Шу боис ёш фермер жуда хурсанд — у кўргазмада иштирок этаётган Россия агромашхолдинги вакиллари билан бу ерда намойиш этилаётган Харьков заводи тракторини харид қилиш ҳақида келишиб олди. Ҳозир банк кредит линияси бўйича тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни кечмоқда. Уни ҳам кўргазма ташкилотчилари ўз зиммасига олган.

Германия техник ҳамкорлик жамияти вакили А.Сулаймоновнинг фикрича, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига қаратилган халқаро кўргазманинг ўтказилиши Германия ишлаб чиқарувчиларининг ўзбек тадбиркорлари билан ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантиришда янги босқич бўлди. Бундай кенг кўламли кўргазмада қатнашиш уларга ислоҳ қилинаётган Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг техника ва технологияларга бўлган талабини ўрганиш имконини берди. Бу эса иккала томон учун ҳам фойдали ҳамкорликни кенгайтиришда янги истиқболлар очади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ДУРДОНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, кейинги икки йил ичида шаҳар таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Ҳамиша Қаршига «Қадимий ва навқирон шаҳар» деган таъриф берилган. Лекин унинг қадимийлиги нимада-ю, навқиронлиги нимада эканлигини бир қарашда англаб етиш қийин эди. Мавжуд обидалар ҳам турли-туман бинолар панасида қолиб кетганди. Навқиронлигидан гувоҳлик берувчи кўп қаватли уйлар эса кўп йиллар таъмирланмаганлиги учун кўримсиз қиёфа касб этганди.

Бугунги кунда шаҳарнинг қадимий маркази — Регистон майдони очилиб, гўзал хиёбонга айлантирилди. Майдоннинг уч томонидан

учта тарихий обида — Хўжа Абдулазиз, Қиличбек, Беклмир мадрасалари савлат тўкиб турибди. Ўтган аср бошида бу ерда ўн иккита мадраса бўлган экан. Афсуски, улар мустабид тузум даврида бузиб юборилган. Майдондаги энг нодир ёдгорлик — Одина масжидидир. Амир Темур даврида қурилган бу масжид шўролар ҳукмронлиги даврида хибсхона сифатида фойдаланилган. Атрофи баланд девор ва тиканли симлар билан ўралган бу масжид биносининг борлигини ҳам кўпчилик билмасди. Айтиш мумкинки, қарийб 70 йил халқимизнинг бой тарихий маданияти ва маънавиятидан гувоҳлик берувчи муқаддас даргоҳнинг ўзи ҳибсда турди. Мустақиллик туфайли Одина масжиди тўлиқ тикланиб, ўзининг бетакрор меъморий ечимлари билан кўзни қувонтирмоқда.

Қўли гул усталарнинг маҳорати туфайли янгидан чирой очган, ўзининг маҳобати билан кишиларни ҳайратга солаётган бу каби ўнлаб тарихий ёдгорликлар Қаршининг қадимийлигига гувоҳлик бериб турибди. Аждодларимиз ақл-заковати маҳсули бўлган бу осори-атиқалар бугун халқимизнинг бой тарихидан ҳикоя қилибгина қолмай, мустақил давлатимизнинг буюк келажагига ҳам ишонч туйғуларини мустаҳкамламоқда.

Қарши мамлакатимизнинг жанубида жойлашган. Табиати ҳам шунга мос. Ёзнинг жазирамасида қуёшнинг иссиғига асфальтнинг тафти ҳам қўшилади. Шаҳарни ободонлаштиришда иқлим шароити ҳисобга олинди. Бир вақтлар шўролар тузумининг рамзи сифатида барпо этилган ва ёппасига бетон қопланган бош майдон бугун ям-яшил майсалар ва манзарали дарахтлар ўсиб турган гўзал хиёбонга айланди. Сон-саноқсиз каттакичик фавворалардан отилиб турган зилол сув Мустақиллик майдонида ўзига хос иқлим ҳосил қилади. Майдон марказида Қарши шаҳрининг рамзи сифатида замонавий ёдгорлик бунёд этилди. Эндиликда бу ер шаҳар аҳлининг энг қадрли оромгоҳларидан бирига айланади.

Йил бўйи ям-яшил бўлиб турадиган майсазорлар барпо қилиш ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, бу соҳа қаршиликлар учун янгилик. Шунга қарамасдан, шаҳардаги барча боғ ва хиёбонлар, катта йўл ёқаларига сувни пуркаб берадиган мосламалар ўрнатилиб, яшил майсалар экилди. Минглаб қувурчалардан сачратилаётган сув,

айниқса, тунги чироқлар ёруғида ажиб манзара касб этади. Кўча ва хиёбонларга экилган қайин, туя, можжевельник каби нинабаргли дарахтлар шаҳарнинг йил бўйи яшилликка бурканиб туришини таъминлайди. Яшиллик эса навқиронлик белгисидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июлдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида ўттиздан ортиқ бино ва иншоотларда қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш кўзда тутилган эди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида шаҳар янги манзара касб этди. Ҳаммасини санаб ўтиш қийин. Лекин 600 ўқувчига мўлжалланган «Олимпия заҳиралари», «Компьютер технологиялари» коллежлари, 20 минг томошабин сиғадиган Марказий стадион, 2700 томошабинга мўлжалланган амфитеатр, Марказий деҳқон бозори, Алишер Навоий номли марказий истироҳат боғи ва Болалар боғида амалга оширилган ишларни тилга олмасликнинг иложи йўқ. Ўзбекистон, Мустақиллик, Жайҳун кўчаларида барпо этилган кенг ва равон йўлларни айтмайсизми!

Биз шаҳарда амалга оширилган кенг кўламли ободонлаштириш, қурилиш-таъмирлаш ишларига сарфланган маблағнинг ҳажмини атайин тилга олмадик. Фақат бир нарсани таъкидлашни истардик: бундай улкан бунёдкорлик ишлари иқтисодиёти мустаҳкам, қудратли, салоҳияти юксак давлатдагина амалга оширилиши мумкин. Чинакам ватанпарвар, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган кишиларгина бундай буюк ишларга қодир.

Собир ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.
Бўри НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Суратларни Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган.

Солиқ тизими

Давлат солиқ қўмитасининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг 9 ойи мобайнида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида белгиланган долзарб вазифалардан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим бўлган ишлар муҳокама этилди.

Чуқур таҳлил, қатъий чоралар

Йиғилишда белгиланган топшириқ кўрсаткичлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бажарилган бўлса-да, ҳисобот даврида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах, Қашқадарё, Бухоро, Наманган, Навоий, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар давлат солиқ идоралари томонидан хато-камчиликларга йўл қўйилгани таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси фаолиятини ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди ва Юнусобод, Сирғали, Чилонзор, Ҳамза, Учтепа туманлари солиқ идоралари фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Йиғилишда «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига мувофиқ, ДСҚ Ахборот-маслаҳат маркази ва Матбуот хизмати фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Бюджет даромади бўйича асосий солиқ турларининг белгиланган прогноз кўрсаткичлари тўлиқ бажарилишини ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар олдидаги боқиманда қарзларни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини таъминламаган Жиззах, Сурхондарё, Фарғона, Наманган, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий давлат солиқ органлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланиб, камчиликларга йўл қўйган 35 нафар раҳбарга нисбатан тегишли интизомий жазо чораси кўрилди.

Бундан ташқари, Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси ва унинг туман (шаҳар) инспекциялари томонидан 2006 йил 3-чорак бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича режа кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги масала муҳокама этилиб, бу борада сусткашликка йўл қўйган вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғига нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилиб, йил якуни бўйича камчиликлар бартараф этилиши, акс ҳолда, унинг масъулияти кўриб чиқилиши айтиб ўтилди.

Шу билан бирга, 11 нафар раҳбарнинг масъулияти 2006 йил якунлари билан кўриб чиқилиши белгиланиб, улардан 7 нафар солиқ инспекцияси раҳбари томонидан мавжуд камчиликлар бартараф этилмаса, уларнинг лавозимида қолиш ёки қолмаслик масаласи кўриб чиқилиши таъкидланди.

ДСҚ матбуот хизмати.

«Микрокредитбанк»

ХОНАДОНГА БАРАКА КИРИТАДИ

Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 5 майдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросини таъминлаш борасида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан юртимизда микромолиялаш институтлари тизимининг яратилишига кенг йўл очиб берилди.

Янги банк ташкил этилганидан сўнг ўтган қисқа муддатда микросармоялаш ишини йўлга қўйишда эътиборга молик ишлар амалга оширилди ва муайян тажриба тўпланди. Яқинда молия муассасасининг жорий йилнинг ўтган даврдаги фаолияти якунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 февралда ўтказилган мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги муҳокама этилган кенгайтирилган йиғилишида микрокредит ва микролизинг хизматларини сифат босқичига кўтариш масалалари муҳокама этилди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда ўтган қисқа давр мобайнида кредит таваккалчилигини бошқариш, кредит ҳисоб-китобларини талаб даражасида ташкил этишнинг меъёрий асослари ишлаб чиқилди, банк учун янгича талаблар асосида ишлайдиган мутахассислар танлаб олинди ва улар аттестациядан ўтказилди. Айниқса, турли жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик «Микрокредитбанк» фаолиятида асосий ўринни эгалламоқда. Масалан, Банклар уюшмаси ва Савдо-саноат палатаси билан семинарлар ташкил этилди. Мазкур ўқувлардан сўнг имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган ходимлар мижозларни микросармоялар олишга тайёрлашда, уларни бизнес-режалар тузишга ўргатишда кўникмага эга бўлишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, микросармоялар бугун мамлакатимизнинг чет қишлоқларигача кириб борди. Тадбиркорликни бошлаганлар ва шундай яратувчилик билан шуғулланиш истагида юрган фуқаролардан ҳозир кўплаб буюртмалар тушмоқда.

— Микросармоялар аниқ мақсадларга йўналтирилади, — дейди банк бошқаруви

Ислоҳот ва самара

раиси Жамшид Сайфиддинов. — Бундай кредитлар халқимиз учун хизмат қилиши, истеъмол моллари ва аҳолининг кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган бошқа товарлар ишлаб чиқишига кўмаклашиши зарур. Бироқ, кўплаб буюртмалар чорва моллари сотиб олиш учун тушаяпти. Молни боқиб, гўштини сотгани билан, амалиётдан маълумки, ўша мижоз 18 фоиз фойда кўра олмайди. Омонат учун банкдан бундан кўпроқ фойда олиш мумкин. Мол сотилганидан кейин эса сармоя ҳаракатдан тўхтайди. Буни биз мижозларга тушунтиришимиз керак. Ваҳоланки, улар сармояларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга, янги иш ўринлари яратишга сарфласалар ўзига ҳам, давлатга ҳам фойда. Қишлоқларда сартарошхона, тикиш ва таъмирлаш устахоналари, гўштни, сутни қайта ишлайдиган кичик корхоналар очиш мумкин. Шу боис, биз янги хизмат турлари ташкил эта оладиган мижозларнинг мурожаатларига эътибор билан қарамоқдамиз.

Жаҳон микрокредитлаш институтлари аёл тадбиркорларни энг ишончли мижоз сифатида эътироф этади. «Микрокредитбанк» ҳам шу мақсадда Хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда республикамизнинг 149 туман ва шаҳарларида хотин-қизлар билан учрашувлар ўтказди. Уларда 12 минг нафар тадбиркор аёл иштирок этди.

Ўтган қисқа давр мобайнида 55 мини банк ва бир неча агентликлар очилди. Айни кунда 75 филиал, 230 мини банк ва 16 агентлик фаолият кўрсатмоқда. Мижозлар сони 12 мингтага қўпайди ва уларнинг умумий сони 60 мингдан ошиб кетди.

Банк томонидан ҳаммаси бўлиб, 7712 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжаликларига 12 миллиард 670,7 миллион сўм миқдорида микросармоялар ажратилди, 1 миллиард сўмга яқин миқдорда микролизинг хизматлари кўрсатилди. Шу жумладан 2755 нафар тадбиркор аёлга қарийб 2 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври фаолиятига бағишланган йиғилишда банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган ва Сирдарё вилоятларидаги филиаллари ишидаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Микросармоялаш хизматини юқори савияга кўтариш, йилнинг охирги чорагида янги хизмат турлари учун микросармоялар ажратишни яхши йўлга қўйиш ва белгиланган устувор режаларни амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланди. Бир сўз билан айтганда, «Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

Ҳосил КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Рашид РАУПОВ.

НАХШАБМИ, НАСАФМИ ЁКИ...

Қарши номининг асил маъноси хусусида

Тарихий жараён кўпинча шаҳар ва қишлоқлар, ўлкалар ва мамлакатлар тақдирининигина эмас, уларнинг номларини ҳам ўзгартириб юборади. 2700 йиллик юбилейи нишонланаётган Қарши шаҳри номи ҳам бундан мустасно эмас.

Қаршининг аввалги номлари Нахшаб, Насаф бўлгани маълум. Баъзи олимларимиз юнон манбаларида учрайдиган Наутака, Книсеп атамаларини ҳам Қарши шаҳрига нисбат беришяпти. Нима бўлганда ҳам, «Қарши» шаҳарнинг энг кейинги номи. Бу атаманинг маъноси ҳақида эса турли фикрлар мавжуд. Қарши сўзининг маъносини Мирзо Бобур қуйидагича изоҳлайди. «Яна Қарши вилоятидурким, Насаф ва Нахшаб ҳам, дерлар. Қарши мўғулча оттур, ғўрхонани мўғил тили бирла қарши дерлар». (Бобурнома. Тошкент, «Юлдузча»., 1990 йил, 47-бет).

Баъзи олимларимиз бу талқинга унчалик қўшилишмайди. Бунинг асосий сабабларидан бири, бизнингча, руҳият ва миллий маънавият билан боғлиқ. Шарқда қабристонлар шаҳар-қишлоқларнинг четида жойлашган бўлади. Назаримизда, шунинг учун бўлса керак, олимларимизга Қарши номининг Бобур талқинидаги маъноси хуш келмаяпти.

Шунинг учун «Қарши» атамасининг тарихи ва маъноси билан қизиқдик. Бобур Мирзо жуда зукко, холис ва ростгўй олим эди. «Бобурнома» шундан гувоҳлик беради. Шу ҳолатни ҳисобга оладиган бўлсак, Мирзо Бобурнинг «Қарши» сўзи маъноси тўғрисидаги фикрларига шубҳа билдириш қийин. Иккинчи томондан эса, мўғуллар Ўрта Осиёда икки юз йилга яқин ҳукмронлик қилишди ва маҳаллий аҳоли таркибига сингиб кетишди. Ҳукмрон халқ сифатида уларнинг урф-одатлари, маросимлари, тили маҳаллий халқ урф-одатлари, тили, жумладан, жой номларида из қолдириши табиий. Шунинг учун, «Қарши» атамаси ҳам мўғул тилидан кириб келган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Лекин барибир, ғўристон маъносини билдирадиган сўзни шаҳарга ном қилиб берилиши бизга эриш туюлди. Бизда «Қарши» сўзининг бошқа маъноси йўқмикан? — деган савол туғилди. Унга жавоб топиш учун мўғул юришлари тарихига, мўғул тили ва Хитой манбаларига мурожаат қилишимизга тўғри келди.

Бобур Мирзодан юқорида келтирганимиз иқтибосдан кейин шундай жумлалар бор: «Қолибо бу от Чингизхон тасаллутидан сўнг бўлғондир». Демак, «Қарши» сўзининг шаҳар номи сифатида қўллана бошлаши XIII асрнинг ўрталарига, яъни Чингизхон вафотидан кейинги даврга тўғри келади. Бу даврда мўғул империяси жуда кенгайган, ғарбда Ўрта Ер денгизигача, шарқда эса Тинч океан соҳилларигача борган эди.

Хубилайхон ҳоқон бўлгач, империянинг пойтахти Пекинга кўчирилди. Ҳоқон Пекин яқинида ғўзал бир шаҳар қурдирди. Бу ҳақда Абулғозий шундай ёзади: «Ҳар ерда мевалиқ ёғочдин ва алвон гуллардан келтуриб, бу шаҳарнинг атрофинда экиб, яхши боғлар ва бўстонлар қилдилар. Ўн йилда андоғ боғ бўлди ким, қалъанинг ичинда бир қариш ер қолмади иморат солмаган». (Абулғозий. Шажарайи Турк. Тошкент, «Чўлпон», 1992 йил, 89-бет).

Ўша ғўзал шаҳарнинг марказида Хубилайхон улкан бир сарой қурдирди. Тасодифми ёки йўқми, ҳар ҳолда бу саройнинг номи ҳам «Қарши» қўйилди. Бу ҳақда «Шажарайи Турк»да қуйидагилар битилган: « ... токи ул шаҳарнинг ўртасида бир улуғ сарой солди, анинг отини Қарши қўйди.» (Ўша жойда). XIII асрнинг иккинчи ярмида мўғул империясидаги икки шаҳар «Қарши» номи билан атала бошлади: бири империянинг пойтахти, иккинчиси Ўрта Осиёдаги вилоят маркази.

«Қарши» сўзи ғўристон маъносини англатса, нима учун империянинг пойтахтини ҳам шу ном билан атадилар? Бу саволга жавоб топиш мақсадида тарихий манбаларга мурожаат қилдик. Мўғуллар тарихи бўйича жуда бой материал жамланган хитой тилидаги машҳур «Юан чао би ши» (Мўғулларнинг махфий тарихи) китобида қизиқ маълумотга дуч келдик. Унда ёзилишича, мўғул хонлари, лашкарбошилари ва таниқли нўёнлари вафот этганда қабристонга эмас, саройга дафн этилар экан. Бу маълумот мўғул тилида «сарой» ва «қабристон» сўзларининг маъноларини ўртасидаги боғлиқликни кўрсатди. Бунга тўлароқ аниқлик киритиш учун мўғулистонлик дўстларимизга мурожаат этдим. Уларнинг айтишича, қадимги мўғул тилида, ҳақиқатан ҳам, «Қарши» сўзи мавжуд бўлиб, у «сарой», «қалъа» ва «қабристон» маъноларини ифодалаган экан.

Шунга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, XIII аср ўрталари ва иккинчи ярмида Қарши шаҳрида сарой ёки қалъа бўлган ёки қурилган. Бу саройга номдор мўғул лашкарбоши ёки нўёнларидан бири дафн этилган. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Қарши» сўзи мўғул тилидан кириб келган бўлиб, Бобур Мирзо талқинида унинг бир маъноси келтирилган, холос. Вилоят марказига берилган номда эса, «Қарши» сўзи «сарой» маъносида ишлатилган.

Абдуллажон БЕГМАТОВ,
профессор.



«Маънавият» туҳфалари

жаҳоннинг турфа тилларида тайёрланди

Қарши шаҳрининг тарихи, меъморчилиги, ҳунармандчилиги, адабиёт ва санъат асарларини батафсил ўрганиш ва бу ҳақда рисолалар, плакатлар, китоб ва альбомлар нашр этиш борасида «Маънавият» нашриётида анча-мунча ишлар амалга оширилди.

Жумладан, профессор Рустам Сулаймоновнинг ўзбек ва рус тилларида нашр этилган «Нахшаб — унутилган тамаддун сирлари» («Нахшаб — тайны забытой цивилизации») рисоласида ҳозирги Қарши шаҳрининг шундоқ ёнгинасида жойлашган қадимий шаҳристон — Ерқўрғонда олиб борилган қазишма ишлари ва ундан келиб чиқадиган илмий хулосалар ёритиб берилган.

Ушбу рисоланинг мантиқий давоми бўлмиш Қарши воҳаси ёки қадимий Нахшаб шаҳар маданиятининг 2700 йиллигига бағишланган, эллиқта открыткани ўз ичига олган ва уч тилда изоҳ берилган «Нахшаб жавоҳирлари» табрикномалар тўплами қадимий пойтахт — Ерқўрғон харобаларида олиб борилган қазишма ишлари пайтида топилган санъат буюмлари коллекцияси асосида тайёрланган.

«Қашқадарё манзаралари» деб аталадиган яна бир мажмуада эса нафақат Қарши шаҳрининг тарихий-меъморий обидалари, айни пайтда мустақиллик йилларида бунёд этилган иншоотлар ўз аксини топган.

«Қашқадарё: истиқбол сари одимлар» номи остида ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилган рангли нашрда Қарши шаҳрининг қадимий тарихига қисқача назар ташланади, шаҳарнинг бугунги қиёфаси, халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлар, аҳоли турмуш тарзини юксалтириш борасида олиб борилаётган хайрли ишлар, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда бунёд этилаётган саноат корхоналари ҳақида ҳикоя қилинади.

Беш тилда — ўзбек, рус, инглиз, француз ва немис тилларида чоп этилган «Қарши» рангли-суратли китоб ушбу шаҳарнинг тарихи ва бугунги қиёфаси билан хорижликларни ҳам таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги айёмга бағишланган нашрларни санаганда «Қарши — 2700» деб аталадиган китоб-альбомни алоҳида тилга олиш жоиз. Мамлакатимизнинг бир қанча олим ва мутахассислари томонидан яратилган, ҳажми 23 босма табоқни ташкил этадиган йирик бичимли ушбу китоб-альбом Қарши шаҳрининг тарихи ва бугунги жамолини ўзида мужассам этган ноёб нашрдир. Китоб-альбом дизайнини «Art-press» корхонаси, матбаа ишларини «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси юксак маҳорат билан бажаришган.

М. БЕГМУРАТОВ.

Газетада босилмади, аммо...

Назоратга олинди

Таҳририятимизга Данғара тумани Ғалаба қишлоқ фуқаролар йиғини, Эшонбобо қишлоғилик Т.Турдиалиев мурожаат қилиб, Бешариқ туманида жойлашган Рапқон сиҳатгоҳидаги айрим камчиликлар, нуқсонлардан арз қилганди. Шикоят хати текшириш учун Фарғона вилояти ҳокимлигига юборилди. Таҳририятимизга Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари А.МУРАТОВ имзоси билан расмий жавоб келди. Унда таъкидланишича,

«Шикоят хатида кўрсатиб ўтилган масалалар сиҳатгоҳ бош ҳакими Н.Абдуллаев ва жамоа аъзолари иштирокида муҳокама этилган. Ҳақиқатан ҳам, сиҳатгоҳ ходимлари ўз вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари натижасида айрим камчиликларга йўл қўйилган. Жамоага бундан буён дам олувчилар билан мулоқотда муомала маданиятини яхшилашлари, уларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилган ҳолда ўз вазифаларини адо этишлари, шунингдек, озиқ-овқат сифатини яхшилаш каби бир қатор вазифалар топширилган.

Мазкур хатда кўрсатиб ўтилган камчиликлар юзасидан мутасадди идоралар ушбу йўналишда назорат ишларини давом эттиришлари қайд этилган».

ЖАҲОН 24 соат ичида

Эронга қурол-яроғ ва унга ишлатиладиган хомашё сотилмаслиги мумкин. БМТ Хавфсизлик Кенгашида ана шундай талабларни ўзида ифода этувчи янги резолюция лойиҳаси кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари, мазкур лойиҳада мамлакатда ядро дастури билан боғлиқ шахсларнинг чет элга сафарини чеклаш ва хорижий банкларда дастурни амалга ошириш учун сарфланиши аниқланган маблағларни музлатиб қўйиш ҳам ўрин олган.

Шимолий Корея расмий Сеулни огоҳлантирди. Агар Жанубий Корея БМТ томонидан расмий Пхеньянга нисбатан қўлланилган санкция резолюциясини қўллаб-қувватлайдиган бўлса, Шимолий Корея ўз қўшнисига нисбатан жиддий чоралар кўриши мумкин. Тинч қўшилиш қўмитасининг Шимолий кореялик вакили бу ҳолат ҳарбий инқирозни келтириб чиқариши эҳтимоли борлигига шаъма қилди.

Ироқда зўравонликлар кучаймоқда. Жорж Буш Оқ уйда журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда бундан хавотирланаётганини билдирди. Американинг Ироқда юритаётган сиёсати муваффақиятли якунланса, терроризмга қарши курашдаги ғалаба таъминланишини таъкидлади. Жорж Буш кўплаб америкаликлар қатори ўзи ҳам Ироқдаги ҳозирги вазиятдан қаноатланмаслигини айтди.

Буюк Хитой деворида базму жамшид ўтказиш таъқиқланади. Хитой ҳукумати хорижий сайёҳларни энг кўп жалб этадиган мазкур тарихий обидани сақлаш мақсадида шундай қилмоқчи. Бу таъқиқловни бузган шахсга 500 минг юан, яъни 62500 долларлик жарима солинади. Буюк Хитой деворининг узунлиги 6400 километр бўлиб, ҳар йили уни кўришга дунёнинг турли бурчакларидан ўртача 10 миллион нафар сайёҳ ташриф буюради.

Жак Ширак Хитойга нисбатан қўлланилган эмбаргони олиб ташламоқчи. Франция Президенти Европа Иттифоқига мурожаат қилиб, Хитойга қурол-яроғ ва ҳарбий технологиялар етказиб беришни таъқиқлашни бекор қилишга чақирди. Бундан ташқари, Франция етакчиси ЕИ раҳбариятидан Хитойни бозор иқтисодиётига асосланган давлат сифатида тезроқ тан олишини сўради.



Россия ЖСТга қўшилиш ғоясидан бутунлай воз кечиши мумкин. «Коммерсант» газетасининг Москва ва Вашингтондан олинган маълумотларга таяниб тарқатган хабарига кўра, агар яқин кунларда АҚШ битимни имзоламаса, россиялик расмийлар шундай қарорга келишмоқчи. Америкалик расмийларнинг фикрича, Россия бир неча бандлар юзасидан якдил тўхтамга келишни истамаяпти. Россиянинг ташкилотга аъзо бўлиб кириши тўғрисидаги протокол жорий йил 18-19 ноябрь кунлари Ханойда бўладиган ЖСТга аъзо давлатлар саммитида имзоланиши кутилаётганди.

Украина 2007 йилда 55 миллиард кубометр Россия газини сотиб олмоқчи. Расмий Киев ҳар минг кубометр газ учун 130 доллардан тўлашга рози. Бу ҳақда Украина Бош вазири ҳукуматлараро тузилган иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси йиғилишидан сўнг журналистларга маълум қилди. Мазкур маълумотни Россиянинг Украинадаги элчиси Виктор Черномирдин ҳам тасдиқлади. Манбада келтирилишича ушбу келишув уч йилгача ўз кучида қолади.

Энг яхши етакчига 5 миллион доллар. Бу мукофот корчалон Мо Иброҳим томонидан жорий этилди ва у фақат Африка қитъасидаги давлат раҳбарларига берилади. Тадбиркорнинг сўзларига қараганда, ғолиб ҳукумат тепасидан кетгандан сўнг 10 йил давомида 5 миллион доллар олади, кейин умрининг охирига қадар етакчига яна ҳар йили 200 минг доллардан тўланади. Мо Иброҳим шу йўл билан қитъада коррупцияга қарши курашмоқчи.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Зукко ва донишманд ҳамроҳ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашри — «Фалсафа ва ҳуқуқ» илмий-назарий, маънавий-маърифий журналига 2007 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна — 2007

Сиз ҳуқуқий билимларингизни юксалтириб фуқаролик жамияти қуриш, ислоҳотларни амалга ошириш, келажаги буюк давлатимизнинг фалсафий-ҳуқуқий асосларини ўрганишни хоҳласангиз — журнал ушбуларни ўзининг бош вазифаси деб билади.

Журнал ташкил этилганидан буён атоқли олимлар иқтидорли тадқиқотчилар, докторант ва аспирантларнинг сермазмун мақолаларини эълон қилиб келмоқда. Фанлар ривожидаги ўзгаришларни умумлаштиради, тараққиётнинг туб бурилиш палласидаги зиддиятли ривожланишларни қиёсий таҳлил қилиб ўқувчиларга етказмоқда.

Ўйлаймизки, журнал материаллари билан танишиб борганингиз сайин қалбингизга маънавий зиё-нур киради, хонадонингизга файз, яшаш тарзингизнинг бағри кенглик тамойили шакллана боради.

Журналнинг 20 га яқин рукни бўлиб, миллий ва умумбашарий қадриятларимиздан намуналар, миллий давлатчилигимизнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари, миллий ғоя мафкураси тамойиллари, фан ва фанлар методологияси таҳлили ва бошқалар ўз аксини топади.

Обуна барча почта бўлимларида қабул қилинмоқда. Журналнинг нашр кўрсаткичи — 938.

Наврўз БЕКМУРОДОВ,
журнал муҳаррири.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ ҚАЛИТИДИР!

«DQS QUALITY SYSTEMS» компанияси сертификация бўйича немис **DQS GmbH** органининг расмий ҳамкори ҳамда вакили сифатида қуйидаги хизматларни таклиф қилади:

- бошқарув тизимини ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, ISO 22000, HACCP, GMP ва бошқа стандартлар бўйича сертификациядан ўтказиш;
- лабораторияларни ИСО 17025 стандарти бўйича аккредитацияга DAP орқали тайёрлаш (аккредитация бўйича немис органи);
- Европа стандартлари IFS/BRC бўйича маҳсулотларни сертификациядан ўтказиш;
- тиббий жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхоналар бошқарув тизимини EN13485/88 бўйича сертификатдан ўтказиш;
- турли мутахассисликлар бўйича ишчилар квалификациясини сертификациялаш;
- ISO/IEC 27001 сифат менежмент тизими стандарти бўйича маълумотлар хавфсизлигини сертификациядан ўтказиш;
- юқорида кўрсатилган стандартлар бўйича ўқитиш.

DQS GmbHнинг ташкилотчилари ва акционерлари:
DIN — стандартлаштириш бўйича немис институти;
DGQ — сифат бўйича немис жамияти.
Манзил: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 75-уй, 7-қават, «ИНКОНЕЛЬ» бизнес-маркази.
Тел./факс: 120-30-92, 120-30-91, 404-59-90.
E-mail: Alaudinov_D.dqs@mail.ru
http: //www.dqs.de

Компания мижозлари:
Daimler Chrysler AG, Siemens, Henkel, Lufthansa, Porsche, Barilla, Degussa, Kraft Foods, Commerzbank, KPMG, 3M, «UZEXIDE» ҚК, УКК «Муборакнефтегаз», «Hobas TAPO» ҚК ва бошқалар, 30 мингдан ортиқ сертификатлар.

Кадрлар хизматларининг раҳбарлари ва мутахассислари, ходимларни бошқариш бўйича менежерлар, мулкчиликнинг турли шакллари ва иқтисодиётнинг турли тармоқларига мансуб корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ҳурматли жаноблар!

2007 йилнинг январь ойидан бошлаб янги ойлик профессионал нашр — «Kadrlar masalalari bo'yicha ma'lumotnoma» / «Справочник по кадровым вопросам» журнали (икки тил — ўзбек ва рус тилларида) чиқа бошлайди.

Нашрнинг «назариядан амалиётга» деган ғоясига таяниб, журналда фойдали меъёрий-методик маълумотлар, кадрлар бўйича мутахассиснинг кундалик ишида қўл келадиган материаллар, вазирликлар ва идоралар экспертларининг тавсиялари, амалиётчи мутахассислар ва олимларнинг қуйидаги масалаларга доир фикрлари эълон қилинади:

- ✓ *кадрларга доир иш юритиш;*
- ✓ *меҳнат муносабатлари бўйича юридик маслаҳатлар;*
- ✓ *ходимларни бошқариш;*
- ✓ *кадрлар билан ишлаш амалиёти;*
- ✓ *жойларда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши;*
- ✓ *ижтимоий ҳимоя;*
- ✓ *архив иши;*
- ✓ *меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқалар.*

Рукнлар доимий тусдалиги материаллар тизимли тақдим этилишини, баён соддалиги эса материаллар тушунарли бўлишини таъминлайди. Қамраб олинадиган масалалар доираси кенглиги кадрлар хизматининг эндигина иш бошлаётган ходимларига ҳам, бу соҳада бой тажрибага эга мутахассисларга ҳам нашрдан фойдаланиш имконини беради.

Сиз ўзингизга қулай усулда нашрга обуна бўлишингиз ва ўзингизга маъқул муддатга обуна шартномаси расмийлаштиришингиз мумкин:

- **таҳририятда, тел./факс: (+99871) 152-13-23, Ойбек кўчаси, 20-уй, Тошкент ш., 100015, e-mail: publishing@mcfr.uz (энг яхши вариант);**
- **почта алоқаси бўлимида;**
- **шунингдек, обуна агентликлари орқали.**

Нашрнинг обуна индекси:

- индивидуал обуначилар учун — 1134;
- идоралар обунаси учун — 1135.

Нашр формати — А4, саҳифалар сони — 84.

Халқаро молиявий-иқтисодий ривожланиш маркази — Ўзбекистон.
"MTSFER-U Nashriyot uyi" МЧЖ

Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома 30.06.2006 й. №498.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.

KAMMAZ ARSENAL

Тошкент ш., «Братислава» к., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган



турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда, Мўлжал — Шастри қайқали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Газдевайс» ЁАЖнинг (Россия, Москва) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» русумли, ультратовушли, ўлчанаётган газ ҳароратини автоматик равишда тўғрилайдиган,

замонавий электрон газ ўлчагичларини таклиф этади.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, монтаж қилиш; кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — 1 йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда, Мўлжал — Шастри қайқали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Спорт

Фахр

Ўзбекистон ёшларининг жаҳон спорт майдонларида совринли ўринларни қўлга киритиши одатий ҳолга айланиб қолди. Айниқса, «Ақл гимнастикаси» — шахмат ва шашка мусобақаларида доимо биринчилар қаторида эътироф этилаётгани барчамизни қувонтирмоқда. Бу, албатта, ҳукуматимиз томонидан ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши учун берилаётган эътибор самарасидир.

ЎН ЁШИДА ХАЛҚАРО ШАШКА ФЕДЕРАЦИЯСИ УСТАСИ

Жорий йилнинг 14-21 октябрь кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида 64 катакли шашка бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Бутунжаҳон Олимпиадасида ҳам ёшларимиз ўз олдиларига қўйган вазифани шараф билан адо этдилар.

Бутунжаҳон шашка Олимпиадасида мазкур спорт тури бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлган йигирмага яқин мамлакатдан келган спортчи иштирок этди.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда Сирдарё вилояти, Сайхунобод туманидаги 41-мактаб ўқувчилари Анвар Омонов ва Самандар Калонов ҳамда Бухоро шаҳридаги 33-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Саидқосим Алиевлар юртимиз шарафини ҳимоя қилишди. Вакилларимиз саралаш беллашувларида Арманистон, Бразилия, Озарбойжон, Беларусь, Латвия, Эстония, Конго ва Ангола мамлакатлари жамоаларини юз фоизлик натижа билан мағлубиятга учратиб, финалгача етиб келишди. Финалда уларга Россия терма жамоаси рақиб бўлди. Бир неча бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Маджид Єаршаев, Иван Гермагенов ва Алексей Шварданов каби тажрибали спортчилардан иборат Россия терма жамоаси билан ўтган ўйинда 3:3 дуранг натижа қайд этилди. Беш дақиқалик тезкор шашка баҳсида россияликларга омад кулиб боқди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

— Ёшларимизнинг турли мусобақаларда эришаётган муваффақиятлари Халқаро шашка федерацияси томонидан муносиб баҳоланмоқда,— дейди шашка бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Алишер Ортиқов. — Август ойида Словениянинг Бовес шаҳрида Халқаро шашка федерациясининг ижроия қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтганди. Аҳамиятлиси, унда ўзбекистонлик ёш шашкачилардан Анвар Омонов, Нигина Бозорова ва Саидқосим Алиевлар халқаро шашка федерацияси (FMJD) устаси талабини бажарганлиги маълум қилинганди. Олимпиада баҳсларидан сўнг шогирдларимга FMJD устаси унвонлари тантанали равишда топширилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Саидқосим Алиев ўн ёшида халқаро шашка федерацияси устаси бўлди. Унинг ёшида бу талабни бажарган спортчилар бармоқ билан санарлидир.

Бутунжаҳон шашка Олимпиадасида вакилларимизнинг қатнашишида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Сайҳунобод туман «Машина трактор парки» акциядорлик жамияти жамоаси яқиндан ёрдам берди.

Қизлар ўртасидаги мусобақада қатнашган Бухоро Олимпия захиралари коллежи талабаси Нигина Бозорова ва Сайхунобод туманидаги 41-мактаб ўқувчиси Сайёра Йўлдошевалар умумжамоа ҳисобида Россия ва Беларусь терма жамоасидан сўнг учинчи ўринни эгаллашди.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

2006 йил 29 ноябрь — **ЭЪЛОН!** — **соат 10.00 да**

ВШ-714	«Бухоро - Урганч», икки томондан
ВШ-724	«Наманган - Қўқон», икки томондан
ВШ-725	«Қўқон - Андижон» Бўз орқали, Қўқон томондан
ВШ-732	«Бухоро - Қарши», икки томондан
ВШ-769	«Тошкент - Сирдарё», Сирдарё томондан
ВШ-774	«Қўқон - Чодак», икки томондан
ВШ-781	«Бухоро - Нукус», икки томондан
ВШ-783	«Тошкент - Каттақўрғон», икки томондан
ВШ-783-ЙТ	«Тошкент - Каттақўрғон», икки томондан
ВШ-785	«Сирдарё - Самарқанд», икки томондан
ВШ-789	«Тошкент - Ғиждувон», икки томондан
ВШ-789-ЙТ	«Тошкент - Ғиждувон», икки томондан
ВШ-809-ЙТ	«Навоий - Зиёдин», икки томондан
ВШ-809а-ЙТ	«Навоий - Ғиждувон», икки томондан
ВШ-818-Т	«Тошкент - Шаҳрисабз», икки томондан
ВШ-827	«Тошкент - Муғол», икки томондан
ВШ-847	«Тошкент - Нурота», икки томондан
ВШ-918	«Урганч - Тўрткўл», икки томондан
ВШ-938	«Навоий - Самарқанд», икки томондан
ВШ-973	«Жиззах - Пахтаобод», Жиззах томондан
ВШ-1038	«Ғузор - Тошкент», икки томондан
ВШ-1038-ЙТ	«Ғузор - Тошкент», икки томондан
ВШ-1050	«Урганч - Қарши», икки томондан
ВШ-1064	«Қўқон - Андижон» Риштон, Қува орқали, икки томондан
ВШ-1086	«Ангор - Тошкент», икки томондан
ВШ-1092	«Тошкент - Сариосиё», икки томондан

шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи юридик шахслар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича **идоралараро комиссия.**

Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 20210000000745005012 махсус ҳ/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2006 йил 25 ноябргача буюртма беришлари лозим.

Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2006 йил 28 ноябрь соат 14.00 гача қабул қилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент ш., Усмон Юсупов к., 3-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.

Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.

Хотира турнири

Кеча пойтахтимиздаги «Истиқлол» болалар спорт мажмуасида Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб, «Спорт» ва «Ўзбекистон футболи» газеталари соврини учун оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида анъанавий мини футбол турнири бошланди.

УСТОЗЛАР ТАН БЕРИШДИ



Ўтган йили асос солинган мазкур хотира турнири қалам аҳли ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан бирга, мини футболнинг оммавийлашишида ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Сабаби, ўтган йилги турнирда ўн тўрт жамоа қатнашганди. Бу сафар иштирокчи жамоалар сони йигирматага етди. Мусобақанинг Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон футбол федерацияси билан ҳамкорликда уюштирилаётгани ҳам унинг нуфузи ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, ўз мақола, кўрсатув ва эшиттиришларида спортнинг саломатлик гарови эканлигини тарғиб этувчи журналистлар энди буни амалда намойиш этадилар.

Мусобақанинг тантанали очилиш маросими якунлангач, майдонга жамоалар таклиф этилди. Дастлаб, «Халқ сўзи» газетаси ва Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчилари жамоалари белашишди. Ўйин аввалида шогирдлари билан тенгма-тенг курашган ЎзДЖТУ устозлари иккинчи бўлимда бир оз толиқишди шекилли, натижада «Халқ сўзи» газетаси йигитлари бирин-кетин рақиблари дарвозасига тўп кирита бошладилар. Якуний натижа 4:1 ҳисобида «Халқ сўзи» фойдасига ҳал бўлди. Хотира турнирида тўп сураётган аксарият журналистларнинг устозлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Сайди Умиров ва Акбар Нурматов ҳам шогирдларидан кам ўйин кўрсатишмади. Улардан омад бир оз юз ўгирди, холос.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Маърифат» — «Ўзбекистон» нашриёти 5:0, МТРК — «Хонадон» 3:0, «Ўзбекистон футболи» — «Садо» FM 4:3, «Наврўз» FM — «XXI аср» 5:0, «Янги аср авлоди» — «Туркистон» 2:6, «Шарқ» НМАК — «Ўзбекистон овози» 2:1, «Ишонч» — «Тошкент ҳақиқати» 3:1.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОДАЕТ АВТОШИНЫ НА MATIZ
размер 155/65R13,
производство Малайзия "Simex"оптом и в розницу, форма оплаты — любая.
Тел.: 195-88-77, 315-50-25.

Российский линолеум
Производство ЩекиноАзот г. Тула, Стройпластмасс г. Ульяновск
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ
Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

ГАЗ-31105, «ВОЛГА»

ГАЗ-3221, Микроавтобус, 15 ўриндиқли

ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

ГАЗ-3307 Автоэвакуатор

ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42.
E-mail: info@auto.uz
web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедовга акаси
Шуҳрат ДЎСТМУҲАМЕДОВнинг
вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедовга акаси
Шуҳрат ДЎСТМУҲАМЕДОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзстандарт» агентлиги жамоаси Қорақалпоғистон стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Матнияз Реимбаевга рафиқаси
Курбангул УТАМБЕТОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси «Спорт» телерадиоканалининг «Машъал» радиоканали катта муҳаррири Шоира Нуриддиновага турмуш ўртоғи
Баҳодир НУРИДДИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси кафедра мудири Абсалом Усановга акаси
Раҳматулло УСАНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти Қибрай Тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи жамоаси касбий таълим бўйича директор муовини Абдуқаҳҳор Ирматовга падари бузруквори
ҲАСАНБОЙ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Б. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.20 23456